



MINISTRY OF HEALTH OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



**V INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE  
"ABU ALI IBN SINO (AVICENNA)  
AND INNOVATIONS IN MODERN  
PHARMACEUTICS"**

**May 21th, 2022**

**Tashkent city, Republic of Uzbekistan**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ИБН СИНО ЖАМОАТ ФОНДИ

# АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ЗАМОНАВИЙ ФАРМАЦЕВТИКАДА ИННОВАЦИЯЛАР

V ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

---

## АБУ АЛИ ИБН СИНО И ИННОВАЦИИ В СОВРЕМЕННОЙ ФАРМАЦЕВТИКЕ

СБОРНИК V МЕЖДУНАРОДНОЙ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

ТОШКЕНТ - 2022

PROSTATA BEZI SARATONINING I-II VA III-IV BOSQICHLARIDA KASALLANISH KO'RSATKICHLARI TAHLILI .....	194
Sultanova G.A., Allanazarov R.S., Olimjonov O.O., Musaxodjaeva I.N.	
МАҲАЛЛИЙ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ДИАРЕЯ КАСАЛЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ	195
Тоштемирова Ч.Т., Нормахаматов Н.С.	
FARMATSEVTIK KORXONALARDA MA'LUMOTLARNI TAHLIL QILISH ASOSIDA ISHLAB CHIQRISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH.....	196
Tursunov A.T., Narzullaev D.Z.	
ГИЖЖАЛАРГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРНИНГ НОМЕНКЛАТУРАСИНИ ЎРГАНИШ .....	197
Шеркулова Ш.Ш., Хусаинова Р.А., Юнусхожиева Н.Э.	
ИННОВАЦИОННЫЙ МЕТОД ВОСТОЧНОЙ МЕДИЦИНЫ С ПРИМЕНЕНИЕМ БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫХ ТОЧЕК.....	198
Буранова Д.Д., Мухаммаджанова М.О., Эшонов Ш.Н.	



Ротавирус, *Escherichia coli*, *Shigella*, *Campylobacter*, *Giardia*, *Entamoeba histolytica*, *Salmonella*, *Yersinia* va *Vibrio cholerae* каби диарея кўзгатувчиларга қарши танланган. Бошқа бир тадқиқотда 23 та ўсимлик турларидан фойдаланилган. Улардан 4 ўсимлик (*Acacia burkei*, *Brachylaena transvaalensis*, *Cissampelos hirta* and *Sarcostemma viminale*) глобал микёсда биринчи марта диареяга қарши яхши восита сифатида қайд этилган. Тадқиқот соҳасида энг кўп ишлатиладиган диареяга қарши 3 ўсимлик *Psidium guajava*, *Catharanthus roseus* and *Melia azedarach* (учаласи ҳам Жанубий Африка учун экзотик), сўнгра маҳаллий *Sclerocarya birrea* and *Strychnos madagascariensis* 23 ўсимлик туридан 7 таси диареяга қарши беш хил ўсимлик комбинацияси қўлланилган. Абу Али Ибн Сино “Тиб Қонунлар” асарида келтирилган доривор ўсимликлар Ровоч уруғи, хурмо дарахти янги ёки қуритилган мевасидан ҳам, Қора смородина (қорақат) меваси, анор пустлоғи, эрбахор, эман пустлоғи, илонсимон торон илдизпояси, зангвизорба илдизпояси ва илдизи, откулок ўсимлигидан ич кетишни тўхтатиш учун тавсия қилганлар. Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган диареяга қарши дори воситалари ассортименти таҳлилига кўра, атиги 2 та ўсимлик қуруқ экстрактлари асосида йиғмалар (Энтеросилос ва Энтобан) мавжуд. Ўтиборлиси, улар асосини хорижий давлатлар, Ҳиндистон, Африка, Жанубий Америкадан олиб келинадиган доривор ўсимликлар ташкил этади.

**Хулосалар.** Диарея касаллигини даволашда синтетик препаратларга қараганда маҳаллий доривор ўсимликлар самараси юқори эканлигини кўриш мумкин. Абу али Ибн Сино “Тиб Қонунлар” асарида келтирилган бир қанча доривор ўсимликларни мисол қилиб айтиш мумкин. Жумладан, анор пустлоғи, эрбахор, эман пустлоғи, илонсимон торон илдизпояси, зангвизорба илдизпояси ва илдизи, черника меваси ва бошқаларни фармацевтика амалиётида қўллаш учун дори препаратлари яратишда энг яхши хом ашё сифатида тавсия этиш мумкин.

## FARMATSEVTIK KORXONALARDA MA'LUMOTLARNI TAHLIL QILISH ASOSIDA ISHLAB CHIQRISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Tursunov A.T., Narzullaev D.Z.

Toshkent farmatsevtika institute  
email: tursunov\_077@mail.ru, tel (97)131-31-36

**Dolzarbliigi.** Hozirgi kunda dunyoda dori vositalariga bo'lgan talabning yuqori darajada bo'lganligi sababli, dori vositalarini sifatli va tezkor ravishda aholiga etkazib berishda tizimning avtomatlashtirilgan boshqaruv asosida ishlashi zarur hisoblanadi.

**Maqsad.** Hududiy rivojlanishni boshqarish tizimini ta'minlash uchun mo'ljallangan asosiy jihati shundan iboratki, davlat boshqaruvini markazlashtirish va mintaqaviy davlat organlarining vakolat doirasini kengaytirishdan iboratdir.

**Usul va uslublar.** Farmatsevtik mahsulotlarning ishlab chiqarishda avtomatlashtirilgan tadqiqot metodologiyasining asosiy maqsadi tizimli innovatsion boshqaruvning zamonaviy usullari orqali boshqarish tendentsiyalarni kuzatish, qayta ishlash va nazorat qilishdan iboratdir.

Farmatsevtika tashkilotlarining innovatsion o'zgarishini loyihalashda biznes -jarayonlarini qayta reinjiner qilish algoritmlari asosida avtomatlashtirish taklif qilingan. Korhona faoliyatini bashorat qilish uchun tendentsiyalarni kuzatish vositasidan foydalanib, korxonaga yo'naltirilgan investitsiyalarni va hodimlar tarkibini va boshqaruv strategiyasini qayta ko'rib chiqish orqali ishlab chiqarish jarayonlarini nazorat qilish orqali amalga oshiriladi. Hodimlarning malaka va ko'nikmalarini oshirish axborot texnologiyalari asosida amalga oshirish hududiy farmatsevtika infratuzilmasining innovatsion rivojlanishini ta'minlash imkonini beradi. Innovatsion axborot tizimining modelini yaratilishi va nazorat qilish orqali funksiyalari dori vositalarini boshqarishning butun innovatsion tizimini muvofiqlashtirish usuli sifatida boshqariladi.

**Natijalar.** Sog'liqni saqlash tizimini modernizatsiya qilish davlat siyosatining ustuvor strategik yo'nalishi hisoblanadi, ammo innovatsiyalarni joriy etishning yondashuvi bilan Respublikaning barcha hududlarida vaziyatni yaxshilanishiga erishish mumkin emas. Shuning uchun, ularning geografik,



демографик ва иjtимоий xусусиятларини hisобга олган holda, ма'lум hududlarga innovatsion yondashuvlarni moslashtirish, innovatsiyalarni joriy etishning doimiy ta'sirini keltirib chiqarishni imkonini yarataди. Ma'lumotlar turlari bo'yicha tahlil qilish iqsodiy axborotlarni taqsimlangan ma'lumotlar bazasi tarkibidagi foydalanuvchilarning ish joylariga markazlashgan bir vaqtda ishlab chiqarishini ta'minlaydi. Ushbu avtomatlashtirilgan tizim bir vaqtning o'zida bir necha foydalanuvchining mahalliy va internet tarmog'i orqali foydalanish imkoniyatini beradi. Tizimning asosiy vazifasi – korhona omboridagi mahsulotni kiritish va chiqarish hamda qoldiqlarni nazorat qilishdan iborat.

**Xulosalar.** Dorixona omboriga qoldiqlarni kiritish elektron buyurtma bo'yicha kirish qog'ozlarini import qilish yo'li bilan amalga oshiriladi, hamda boshlang'ich qoldiqlarni kiritish orqali tizimga mavjud bo'lmagan, ya'ni boshqa avtomatlashgan dorixona tizimidagi korxonalarni MB orqali bog'liklarini ta'minlaydi. Tovarni ombordan chiqarish dorixona omboridan chiqish hisobidan chiqarishda shakllanadi yoki kassa (g'azna) modulidagi sotuv yo'li bilan ombor modulida mahsulotning qoldig'ini joriy holatini tahlil qilish mumkin harakatini nazorat qilish mumkin.

## ГИЖЖАЛАРГА ҚАРШИ ДОРИ ВОСИТАЛАРНИНГ НОМЕНКЛАТУРАСИНИ ЎРГАНИШ

Шеркулова Ш.Ш., Хусайнова Р.А., Юнусхожиева Н.Э.

Тошкент фармацевтика институти  
e-mail: xusainova\_79@inbox.ru, тел.: (90)1287848

**Долзарблиги.** Дунёда доривор ўсимликлардан фойдаланиб турли касалликларни олдини олиш ва даволашга катта эътибор қаратилмоқда. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг тахминан 80% ўсимлик асосида олинган дори воситаларидан фойдаланади. ВВС Research тадқиқоти натижаларига асосан, келгуси йилларда фитопрепаратларнинг жаҳон бозорида йилига 6,6% га ўсиши ва унинг ҳажми 35,4 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Ривожланган хорижий давлатлар жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларидаги дори воситалари умумий ҳажмининг 10% ни, Япония ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатларида эса 40% ни ўсимликлар асосидаги препаратлар ташкил этаётгани катта аҳамиятга эга.

Гельминтлар билан зарарланиш дунё аҳолисининг 90% ни ташкил этиб, ушбу паразитлар келтириб чиқарадиган кўплаб касалликларнинг асосий сабаби ҳисобланиб келмоқда. Болаларда улар ривожланишнинг кечикишига ва аклий фаолиятнинг пасайишига, анемия ва организмнинг чарчашига олиб келиши мумкин.

**Мақсади.** Маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси асосида ва синтетик усулда олинган гельминтларга қарши дори воситаларни бозорини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Адабиётлар ҳамда ЎзР Давлат реестр маълумотларига кўра республикаимиз худудида гельминтларга қарши ҳақоро номга эга бўлган мебендазол, албендазол, ивермектин, левамисол, пирантел каби дори препаратлар турли хил савдо номлари билан ишлаб чиқарилиб келинмоқда. Бу дори препаратлар асосан Ҳиндистон, Хитой, Грузия ва Миср давлатларидан келтирилган бўлиб, синтетик дори воситалар қаторига киради.

**Натижалар.** Олинган маълумотларга кўра, деярли кўплаб дори моддалар синтез йўли билан олинган бўлиб, кўпчилиги чет давлатлардан келтирилиши аниқланди. Ҳозирги кунда касалликни олдини олиш, ҳамда даволаш учун ўсимликлар асосида олинган дори препаратлари долзарб ҳисобланади. Шу сабабли биз олдимизга ўсимликлар хомашёси асосида гижжа ҳайдаш хусусиятига эга бўлган дори препаратини ишлаб чиқиш учун таркибида шувок ўти (*Flores Cinae*), оддий дастарбош (*Tanacetum Vulgare*), қора андиз (*Inula helenium*) ва оддий тоғрайхон (*Origanum vulgare L.*) ўсимликлари хомашёси асосида суяқ экстракт олиш ва самарали дори воситасини ишлаб чиқиш ва замонавий таҳлил усуллари қўллаган ҳолда сифатини назорат қилишни мақсад қилиб олдик.